

Ежеквартальный
научно-практический
журнал

ISSN 2181-1008
DOI 10.26739/2181-1008

ЖУРНАЛ

гепато-гастроэнтерологических
исследований



СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК 1

2021



МИНИСТЕРСТВО
ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



САМАРКАНДСКИЙ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ



САМАРКАНДСКИЙ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ИНФЕКЦИОННЫЕ БОЛЕЗНИ – АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В ОХРАНЕ ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ

МАТЕРИАЛЫ

международной научно-практической конференции
(Самарканд, 25 июня 2021 г.)

Под редакцией
Ж.А. РИЗАЕВА

ТОМ – II

Самарканд-2021

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

доктор медицинских наук, профессор **Ризаев Ж.А.** (отв. редактор);
доктор медицинских наук **Зиядуллаев Ш.Х.** (зам. отв. редактора);
PhD, доцент **Очилов У.У.** (отв. секретарь).

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Ярмухамедова Н.А., Раббимова Н.Т., Рустамова Ш.А., Ярмухамедова М.К., Джураева К.С.

Инфекционные болезни – актуальные вопросы, достижения и инновационные подходы в охране здоровья населения: материалы международной научно-практической конференции. 2 том, (г. Самарканд, 25 июня 2021 г.) / отв. ред. Ризаев Ж.А. - Самарканд: СамГМИ, 2021. – 131 стр.

Настоящий сборник международной научной конференции «Инфекционные болезни – актуальные вопросы, достижения и инновационные подходы в охране здоровья населения», проведённой 25 июня 2021 года в Самаркандском государственном медицинском институте содержит научные статьи, отражающие актуальные проблемы и достижения в изучении инфекционных заболеваний в настоящее время. Представлены успехи, достигнутые в борьбе с **инфекционными болезнями**, предложения и варианты решения проблем инфектологии с точки зрения инновационных подходов.

Представленные материалы, несомненно, вызовут интерес, будут полезными и найдут своё место в деятельности и практике ученых и врачей в охране здоровья населения.

Подписано в печать 24.06.2021.

Заказ 269

Формат 60×841/8

Усл. п.л. 25,11

Тираж 50 экз.

Формат 60×841/16

Усл. п.л. 12,73

Тираж 50 экз.

Отпечатано в типографии

«Tibbiyot ko`zgisisi». 140100,

г. Самарканд, ул. Амира Темура, 18



ISSN 2181-1008 (Online)

Научно-практический журнал
Издается с 2020 года
Выходит 1 раз в квартал

Учредитель

Самаркандский государственный
медицинский институт

Главный редактор:

Н.М. Шавази д.м.н., профессор.

Заместитель главного редактора:

М.Р. Рустамов д.м.н., профессор.

Редакционная коллегия:

Д.И. Ахмедова д.м.н., проф.;
Л.М. Гарифулина к.м.н., доц.
(ответственный секретарь);
Ш.Х. Зиядуллаев д.м.н., доц.;
Ф.И. Иноятова д.м.н., проф;
М.Т. Рустамова д.м.н., проф;
Б.М. Тожиев д.м.н., проф.;
Н.А. Ярмухамедова к.м.н., доц.

Редакционный Совет:

Р.Б. Абдуллаев (Ургенч)
М.Дж. Ахмедова (Ташкент)
М.К. Азизов (Самарканд)
Н.Н. Володин (Москва)
Х.М. Галимзянов (Астрахань)
С.С. Давлатов (Самарканд)
Т.А. Даминов (Ташкент)
М.Д. Жураев (Самарканд)
А.С. Калмыкова (Ставрополь)
А.Т. Комилова (Ташкент)
М.В. Лим (Самарканд)
Э.И. Мусабаяев (Ташкент)
В.В. Никифоров (Москва)
А.Н. Орипов (Ташкент)
Н.О. Тураева (Самарканд)
А. Фейзиоглу (Стамбул)
Б.Т. Холматова (Ташкент)
А.М. Шамсиев (Самарканд)

Журнал зарегистрирован в Узбекском агентстве по печати и информации

Адрес редакции: 140100, Узбекистан, г. Самарканд, ул. А. Темура 18.
Тел.: +998662333034, +998915497971
E-mail: hepato_gastroenterology@mail.ru.

DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-1008-2021-SI-1-61>

Асадов Дамин Абдурахимович

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Жамоат саломатлиги ва Соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси мудири, Тиббиёт фанлари доктори, профессор
ORCIDID <https://orcid.org/0000-0003-3236-0046>

Каримова Сурайё Убайдуллаевна

т.ф.н, "Абу Райхон Бируни номидаги Шарқшунослик институти" директорининг ўринбосари АНРУз.

Назирова Мағруф Насырович,

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Жамоат саломатлиги ва Соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси изланувчиси.

ФАРҒОНАДА ЁЗИЛГАН ШАРҚ ТАБОБАТИГА ДОИР АСАРЛАР

Asadov Damin Abduraximovich

Center for Professional Development of Medical Staff,
Department of Public Health and Health Management
Director, Doctor of Medical Sciences, Professor
ORCIDID <https://orcid.org/0000-0003-3236-0046>

Karimova Surayyo Ubaydullaевна

Ph.D., Deputy Director of the Abu Rayhan Biruni
Institute of Oriental Studies ANRUz.

Nazirov Magruf Nasyrovich,

Center for Professional Development of Medical Staff,
Public Health and Health Management
researcher of the department

WORKS ON EASTERN MEDICINE WRITTEN IN FERGANA

Мавзунинг долзарблиги. 2018 йил 12 октябрда “Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-3968 сонли Ўзбекистон Республикасининг Президенти фармони эълон қилинди. Унда ўткир ва мураккаб касалликларни даволашда халқ табобатининг даволаш усуллари ва дори-дармон воситалари муҳим аҳамият касб этиши, табибларнинг кўрсатадиган хизмат турларига аҳолининг турли қатламларида катта эҳтёж сезилаётганлиги таъкидланган.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, мураккаб касалликларни даволашда халқ табобати методларининг самарадорлиги сезиларли бўлиб, масалан, саратон касаллигининг айрим турларини даволашда академик тиббиётда ишлатилганига қараганда 2,5-3 баравар юқори натижа бермоқда [1]. Шу боис халқ табобати усуллари ва дори воситалари ҳақида маълумот берувчи бирламчи манбаларни ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади, хусусан, Ўзбекистон тиббиёт тарихининг кам ўрганилган даври -XIX-XX асрларда фарғоналик муаллифлар томонидан ёзилган тиббий асарларни аниқлашушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг мақсади. XIX - XX асрларда Фарғонада ёзилган халқ табобатига доир асарларни аниқлаш.

Материаллар. Республика, вилоятлар, шаҳарлар, туманлардаги музейлар, архивлар, кутубхоналар ва аҳолининг шахсий кутубхоналарида тадқиқот кидирув ишлари олиб борилди. Тўпланган манба ва адабиётларни беш гуруҳга бўлиб таҳлил қилинди: XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия империяси олимлари томонидан ёзилган асарлар; шу даврда Фарғонада ёзилган тибга доир асарлар; совет даврида халқ табобати бўйича яратилган асарлар; мустақиллик йилларида мавзу доирасида чоп қилинган асарлар; халқ табобатига доир хорижий тадқиқотлар.

Мавзунинг тарихшунослиги Фарғонада ёзилган тиббий асарлар махсус тадқиқ қилинмаганлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий ва тиббий тавсиф, қиёсий тарихий таҳлил, тиббий-этнографик ва тилшунослик услубларидан комплекс фойдаланилди.

Натижалар. Фарғонадаги тиббий асарлар ҳақидаги дастлабки маълумот 1886 йили Қозон шаҳрида нашр қилинган В.П.

Наливкин ва М. Наливкиналарнинг «Очеркъ быта женщины оседлого туземного населения Ферганы» («Фарғонада турғун яшайдиган маҳаллий аҳоли аёлларининг турмуш тарзи ҳақида очерклар») номли асарида учрайди: "... Тиббий китобларининг кўплари Бомбайда нашр қилинган бўлиб, ҳаммаси дярли форс тилида, бир-бирига ўхшаш ва бу ерга бевосита Ҳиндистондан келтирилади. Маҳаллий, ўзбек тилида ёзилган тиббий китоблар жуда кам учрайди ва уларнинг мазмуни Бомбай нашрларининг мазмунидан кўп фарқ қилмайди. "... Шундай китоблардан бири "Шифо-икулуб" деб аталади, бу сўзма-сўз таржима қилинганда "Юракларни даволаш" маъносини англатади. Сартча "юрак-қалб" сўзи русча "ички" сўзи маъносига тўғри келишини ҳисобга олинса, асар номини "Ички касалликларни даволаш" деб таржима қилиниши тўғрироқ бўлади" [2].

Шундан сўнг муаллифлар китоб 35 бўлимдан иборат эканлигини айтиб, 1,5,8,11,12,25,26 – бўлимлардан қисқа парчаларнинг рус тилидаги таржимасини келтиришади.

1891 йилда Фарғона вилояти статистика қўмитаси нашриётида чоп этилган В.И. Кушелевскийнинг «Матерялы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области» («Фарғона вилоятининг тиббий географияси ва санитар тавсифи учун материаллар») номли китобида: «Агар у [табибнинг шогирди] саводли одам бўлса, кўп қисми форс, араб ва хитой тилларида ёзилган китоблардаги баъзи маълумотлардан ҳам фойдаланади. ...

«Ва уларда бор тиббий китоблар мазмуни касаллик белгиларининг маълум комбинацияларида дори танлаш бўйича кўрсатмалар тўпламидан иборат халос» [3:241].

«Тиббий китоблар, юқорида айтилганидек, асосан форс ва араб тилларида бўлиб, саводсиз табиблар учун фойдаланиш имконияти мавжуд эмас. Турк тилида ёки биз фўниканализ «сарт» тилида бу каби китоблар жуда оз ва улар асосан араб ва форс тилидаги турли асарлардан кўчирилган парчалардан иборат. Бундай китоблардан бири "Шифо-икулуб", араб тилидан таржимаси "Юракларни даволаш" маъносини англатади» [3:268].

Муаллиф бошқа тиббий асарлар номини келтирмайди. Бу илмий иши камчиликлардан ҳоли эмаслигини яхши англаб, шундай деб ёздади: «Мен ушбу асарни «материаллар» сарлавҳаси остида нашр этилман, чунки бу фақатгина дастлабки ҳолатнинг коралама чизмаларидан иборат бўлиб, менинг издошларимга,

хатоларни тузатиб ва бу ерда йўқ маълумотлар билан тўлдириб, минтақанинг аниқ илмий маълумотларга асосланган тўлиқ ва батафсил тиббий-географик ва санитария тавсифини яратиш имкониятини беради” [4].

1903 йилда доктор Г.А. Колосов томонидан ёзилган «О народном врачевании у сартов и киргизов Туркестана» (“Сарт[ўзбек]лар ва киргизларнинг халқ табобати ҳақида”) номли очеркида ҳам шу битта асар ҳақида сўз юритилади: “Фақатгина нисбатан ўқимишлироқ бўлган шаҳарлик табибларгина тиббий китоблардан фойдаланишади. Қишлоқ табибларининг кўпчилигида тиббий китобларни кўрмадим. Кўп тарқалган китоблардан бири “Шифо-и қулуб”- “Лечение внутренних болезней”[“Ички касалликларни даволаш”] асаридан кўчирилган бир неча парчалардан бу китобларда нималар ёзилганлиги тўғрисида ҳукм қилишимиз мумкин”[5].

А. З. Валидов 1914 йил апрель ойида ёзган «Восточные рукописи в Ферганской области» (“Фарғона вилоятидаги Шарқ қўлёзмалари”) номли мақолада 1913 йили Кўкон, Андижон, Наманган, Ўш ва Ташкент шаҳарларидаги ўнлаб шахсий кутубхоналарда тўпланган кўп сонли қўлёзмаларни ўрганиб чиқиб, ва улар ичидан қизиқарли деб билган 73 та қўлёзмалар ҳақида қисқа маълумотларни келтиради. Шу мақолада Кўконда ёзилган тиббий асар ҳақида маълумотни учратамиз: “Кўконда мен Қозон шаҳрида танишган маҳаллий шахс Юнус-Жон-Дадхоҳ-Мухаммедовнинг қўлёзмалар тўпламини кўриб чиқдим. Унга тегишли бўлган кўп сонли қўлёзмалардан катта қизиқиш уйғатадиганлари қуйидагилар:

1) “Китоб фи-т-тибб” (1817-1822). Муаллифи Жунайдуллох Хозик. Кўкон хони Умарга бағишланган. Сўзбошида ўз хонининг кадр-кимматини таърифлайди”[6].

Келтирилган парчалардан маълум бўладики, 1886-1913 йилларда фарғоналик табиблар ўртасида арабча, форсча, хитойча ва эски ўзбек тилида араб алифбосида ёзилган тиббий китоблар муомалада бўлган. Улардан “Шифо-и қулуб” ва “Китоб фи-т-тибб” (1817-1822) асарларидан бошқаларини номлари келтирилмаган.

“Ўзбекистон тиббиёт журнали”нинг 1966 йил 12-сонида босилган А. Кодиров ва Н. Турсуновларнинг «Видный Узбекский ученый и врач Махмуд Ҳақим Яйпани-Коканди» сарлавҳали мақоласида олимнинг “Тарик ул-илож” ва “Қонун ул-илож” асарлари ҳақида маълумот берилган [7].

1963-1997 йилларда Кўконлик олимлар: филология фанлари номзодлари А. Мадаминова А. Турдиалневлар томонидан Махмуд Ҳақим Яйфонининг адабий ва тиббий мерослари ҳақида катор тадқиқотлар эълон қилинган. Уларда Махмуд Ҳақим томонидан ёзилган 6 та тиббиётга тегишли, 8 та адабиёт, тарих, тишуносликка тегишли асарлар ҳақида маълумотлар берилган [8].

2000 йили нашр этилган ЎзРФА Шарқшунослик институти фондидаги тибга оид қўлёзмалар каталогига Жунайдуллох Хозик (вафоти 1843) томонидан 1822-1823 йилларда Кўконда ёзилган “Таҳқиқ ал-қавоид” (“[Тиб] қондаларини таҳқиқ қилиш”) асари ҳақида маълумотлар берилган [9].

“Тарик ул-илож” асарининг биринчи жилди, учинчи саҳифасида: Махмуд Ҳақим “... ва яна устоз ва мавлои Ҳазрат Боқийхон Эшон [вафоти 1887 й] алайҳир-рахма вар-ризвондан ёдгор бўлган “Нусхаи озмудалар” [“Синондан ўтган дори-дармонлар”]ни жамъ айладим ...” – деб ёзади [10].

Асарнинг иккинчи жилди, сўнгги, 304 бетида Махмуд Ҳақим қуйидагиларни ёзади: ... “Бўлғуси фойдабахш ва аҳд хос ва аҳд ом маълум бўлсинки, биринчи тасниф бўлган Махмуд Ҳақимдан китоб “Тарик ул-илож” тиб китоби ики мажалладур [(مجلد) ф.-жилд]. Икки мажаллад жамъ бўлса, баҳоси агар юзлаб олса, 2 сўм эллик тийин. Жилд соний [икки]дан агар юзлаб олса, баҳоси 1 сўм 40 тийин. Ва агар бир дона олса, 2 сўм.

Иккинчи тасниф “Авроди Зайнабия” тўртжуз [қисм]. Жузаввал [биринчи қисм] саросар [(سراسر) ф. – бошидан охиригача] асмои Субҳоний [Аллоҳнинг исмлари] ва калом Раббонийдур [Аллоҳнинг сўзларидур]. Иккинчи жуз, илм симиё [(سيميا) ф. – афсунгарлик, сеҳргарлик] ва баъзи нақшлари аъжибалар [ғаройиб расмлар] баёнидадур. Учинчи жуз, зарурийот динийа [диний ишлар

учун зарур бўлган нарсалар] ва аҳком шарийава эътикод [шаърият ва эътикод аҳкомлари] жазмиа низом туркий бирладур. Тўртинчи жуз, илож амроз жисмийа ва амроз баданийа [жисм ва бадан касалликларини даволаш усуллари] баёнидадур. Баҳоси агар юзлаб олса, 2 сўмданур. Агар бир дона олса, 2 сўм 50 тийиндур.

Учинчи тасниф: “Мунаввар ул-абсор” – кўз касали баёнидадур. Баҳоси агар юзлаб олса, 15 тийиндан. Ва агар бир дона олса, 25 тийиндан.

Тўртинчи тасниф: “Ташриҳ ул-инсон” – шаклва қиёфат аъзои инсон. Баҳоси агар юзлаб олса, 10 тийиндан. Агар бир дона олса, 15 тийиндур.

Бешинчи тасниф: “Мажмуъ ул-хикоёти ноёби туркий”, баҳоси агар юзлаб олса, 15 тийиндан. Агар бир дона олса, 20 тийиндан.

Олтинчи тасниф: “Тасриф ул-атфол”, – туркий илм сарф баёнида. Баҳоси агар юзлаб олса, 15 тийиндан. Агар бир дона олса, 20 тийиндан.

Еттинчи тасниф: “Қиссаи Абу Али Синои туркий”, баҳоси агар юзлаб олса, 25 тийиндур. Ва агар бир дона олса, 35 тийиндан то ўттиз етти тийингачадур” [11].

Бу иктибосларда Махмуд Ҳақимнинг устози Боқийхон Ҳақимдан қолган “Нусхаи озмудалар”, ўзи ёзган “Тарик ул-илож”, “Авроди Зайнабия” “Мунаввар ул-абсор” ва “Ташриҳ ул-инсон” каби тиббий асарлар ҳақида маълумотлар берилган.

“Мужарработи Махмудий” асарининг қўлёзмаси мукаддимасида ҳам ўзи ёзган асарларнинг рўйхатини келтирган: “..Ва баъди [ва шундан сўнг] айтурбул файласуфи исломий [исломий файласуф айтур] ва Ҳақим Махмуд бин домулло Шодимухаммад бин домулло Бадал Яйфоний [Домла Бадалнинг ўғли домла Шодимухаммад ва унинг ўғли Махмуд Ҳақим Яйфоний] ва бир минг учуз йигирма саккиз [1328] инчи хижрийда китоби “Тарик ул-илож фи таъдил ил-мизож” нитаснифидан фориг бўлиб, [“Мизожни тузатувчи даволаш усуллари”] китобини ёзиб бўлгач, ва яна китоби мустаботи “Авроди Зайнабия” [ва яна “Зайнаб дуолари”] деб номланган китобни [ва яна китоби “Мадан ул-адвия” [ва яна “Дори дармонлар манбаи”] китоби], “Адвия ал-муфрда” [“Содда дорилар”] баёни ва яна “Қонун ул-илож” [“Даволаш қонуни”] хатти арабий илм тиб [араб тилида ёзилган тиб илми] ва яна “Девони Ҳақимий” ҳикматомиз шеърлар ва яна китоби “Хуллас ул-таворих” ва яна неча рисоаларни тасниф ва таълиф ва жамъ айлаб [ёзиб, тўплаб бўлгач] ва яна дилга хутур қилдим [хаёлга келди] ки, бир рисолаи мужаррабага [тажрибалар ҳақида рисола] неча навъ даволари озмуда [бир неча имтиҳон қилинган дорилар] ва давои ҳукамои русиялардан жамъ айласам деб [рус шифокорларининг ишлатадиган дориларини ҳам қўшсам деб] рижо [орзу] айлаб, бул рисолаи таҳрир айладим [бу китобни ёздим] ва “Мужарработи Махмудий” исми бирла мусаммо айладим [ва “Махмуднинг тиббий тажрибалари” исми билан номладим”] [12].

Бу иктибосдан Махмуд Ҳақимнинг яна 3 та – “Қонун ул-илож”, “Адвия ал-муфрда” ва “Мужарработи Махмудий” тиббий асарларини ёзгани маълум бўлади.

Шундай қилиб, шу кунгача фарғоналик муаллифлар томонидан халқ табобатига доир ёзилган 20 та тиббий асарларнинг рўйхатини аниқладик ва уларни ёзилган вақтига қараб хронологик тартибда қуйидагича гуруҳладик:

1822-1917 йилларда ёзилган асарлар:

1. “Китоб фи-т-тибб” (“Тиббиёт китоби”). Муаллифи Жунайдуллох Хозик (вафоти 1843 й.). 1817-1822 йилларда Кўкон хони Амир Умархонга бағишлаб ёзилган, асар топилмаган [6].
2. “Таҳқиқ ал-қавоид” (“[Тиб] қондаларини таҳқиқ қилиш”) (1822-1823). Муаллифи Жунайдуллох Хозик ЎзФА Абу Райхон Бируний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади [9].
3. “Нусхаи озмудалар” (“Синалган дори-дармонлар”). Кўконда ёзилган, муаллифи Махмуд Ҳақим Яйфонининг устози Боқийхон Ҳақим (вафоти 1887 й.). Эски ўзбек тилида ёзилган. Асар топилмаган. Ундаги маълумотлар “Тарик ул-илож” асарига киритилган [10].

4. “Тарик ул-илож” (“Даволаш йўллари”), муаллифи Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Эски ўзбек тилида. 1328 хижрий (1910 мелодий) йилда ёзилган. 1331 хижрий (1913 мелодий) йилида Кўкондаги Шумаков магбасида чоп этилган. Кўкон шаҳридаги Ғ. Ғулом номидаги вилоят адабиёт музейи хазинасида 150-рақам остида иккинчи жилдининг тўлик, биринчи жилдининг айрим варақлари (1-4, 13-14, 16-32-саҳифалар) сақланади.
5. “Авроди Зайнабия” (“Зайнабнинг дуолари”), эски ўзбек тилида, муаллифи Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Бу асар тўрт қисмдан иборат бўлган, тўртинчи қисми “Иложи амрози жисмий ва амрози баданий баёнидадур” (Жисм ва бадан касалликларини даволаш усуллари баёни). 1913 йили Кўкон шаҳри Шумаков босмаҳонасида чоп этилган. Асар топилмаган. [11: 167, 304].
6. “Мунаввар ул-абсор” (“Кўзлар равшанлиги”), муаллифи Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. 1913 йили Кўкон шаҳри Шумаков босмаҳонасида чоп этилган [11:304]. Асар топилмаган.
7. “Ташриҳ ал-инсон” (“Одам анатомияси”), муаллифи Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. 1913 йили Кўкон шаҳри Шумаков босмаҳонасида чоп этилган [11:304]. Асар топилмаган.
8. “Адвия ал-муфрада” (“Содда [оддий] дорилар”) араб тилида ёзилган, муаллифи Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Асар топилмаган [12].
9. “Мадан ал-адвия” (“Дори-дармонлар манбайи”), кўлэзма, муаллифи Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Асар топилмаган [12].
10. “Китаби тибб” (“Тиббиёт китоби”). Муаллифи Йўлдош Муҳаммад Умар Мавлавий. Хитой тилида, Кўкон шаҳрида ёзилган. Асар топилмаган [13].

1917-1990 йилларда ёзилган асарлар:

1. “Қонун ул-илож” (“Даволаш қонуни”), кўлэзма, икки жилд - 6 мақоладан иборат. Муаллифи Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. 1929 йилда ёзилган. Араб тилида. Бешинчи ва олтинчи мақолалар топилмаган. Кўкон шаҳри Ғ. Ғулом номидаги вилоят адабиёт музейи хазинасида 48-рақами остида сақланади [14].
2. “Мужарработи Маҳмудий” (“Маҳмуднинг тиббий тажрибалари”), кўлэзма, 1929-1930 йилларда Яйпан шаҳри яқинидаги Пастки кўрик қишлоғида ёзилган, муаллифи Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Кўкон шаҳри Ғ. Ғулом номидаги вилоят адабиёт музейи хазинасида 70-рақамли кўлэзма таркибида сақланади [12].
3. “Шифо ал-ильал”. Алихонтўра Соғуний (1885-1976). 79 б. Шаркий Туркистоннинг Ғулжа шаҳрида 1937 йили ёзилган. 2004 йилда Тошкентда нашр қилинган.
4. “Перевод арабской фармакопеи”. Рус тилида. 1945-1950 й. Муаллифи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, тиббиёт

фанлари номзоди Мўминжон Ҳаким Алиев (1896-1973). Мақола муаллифларидан бири, изланувчи-шифокор М. Назировнинг шахсий китобхонасида сақланади.

5. “Мажмаъ ал-адвия” (“Даволаш тўплами”). форсча, Муаллифи Маҳмуд Василий. Тахминан 1955-60 йилларда ёзилган. Тиббий асарлардабитилган тез таъсир қилувчи дорилар, устозларидан эшитган ва ўз тажрибаларидан ўтказгандориларни киритган. Андижон вилояти, Мархамат қишлоғида жойлашган Маҳмуд Василий номидаги “Маънавий мерос маркази” кутубхонасида сақланади.

1990-2010 йилларда ёзилган асарлар:

1. “Томирдан ташхис”. 84 б. Муҳиддин хожи Умар ўғли. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейи босмаҳонаси. Тошкент, 1994.
 2. “Танишинг, шояд сиз ҳам шифо топсангиз” Собир Мирвалиев. 143-248 бетлар “Томирдан ташхис”. Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти. Тошкент 2005.
 3. “Тиб ул-Маҳбуб” (“Маҳбубий табобати”), кўлэзма, Абу Муҳаммад Маҳбубий (Суярхон Тўра). 1987-2007 йилларда ёзилган. Асл нусхаси Ёзёвонда, Фирдавсхон Суярхон тўра ўғли хонадонидан сақланади. 2016, 2018 йилларда Тошкент “Навруз” нашриётида чоп этилган.
 4. “Табобат асрори ва шифо” 1 – 2 - китоблар. Умаров Муҳиддин, Усмонов Икромали. “Насаф” нашриёти. Қарши, 2010.
 5. “Шайх ур-райсга шарҳлар”. Умаров М., Жураев Ж., Жураев М., Элмуродов Т. Ибн Сино таълимотидан сабоқлар. 1 - китоб. “Наманган” нашриёти, 2010.
- Фарғоналик муаллифлар томонидан хонлик ва мустамлака даврида (1822-1917 йиллар) 10 та, Совет даврида (1917-1990 йиллар) 7 та ва мустақиллик даврида (1990-2018 йиллар) 5 та халқ табобатига доир асарлар ёзилганлиги аниқланди.

Маҳмуд Ҳаким Яйфоний 8 та китоб, Муҳиддин Хожи Умаров (1994, 2005, 2010, 2010 й.) ўзи ва ҳаммуаллифликда 3 та китоб, Жунайдуллох Хозиқ 2 та китоб, Бақийхон Эшон, Муҳаммад Йўлдош Муҳаммад Умар Мавлавий, Алихонтўра Соғуний (1937 й.), Мўминжон Ҳаким Алиев (1896-1973), Маҳмуд Восилий (1955-60й), Абу Муҳаммад Маҳбубий - Суярхон Тўра, Умаров Муҳиддин, Усмонов Икромали (2010 й.), Умаров М., Жураев Ж., Жураев М., Элмуродов Т. (2010 й.)лар 1 тадан тиббий асарлар ёзганлар.

Халқ табобатига нисбатан бўлган таълиқлар ва таъқиқлар туфайли бу асарларнинг кўп қисми йўқотилган.

Фарғонада ёзилган халқ табобатига доир асарларни кидириб топшиш ва уларни ҳозирги ўзбек тилига таржима қилиш Ўзбекистонда ҳам замонавий, ҳам халқ табобатини ривожланишига улкан ҳисса қўшади.

Список литературы/Iqtiboslar/References

1. Стратегия Всемирной Организации Здравоохранения (ВОЗ) в области народной медицины 2014–2023 гг. Издание: ВОЗ, 2013. С. 16.
2. «Очеркь быта женщины оседлого туземного населения Ферганы». В.Наликинъ и М.Наливкина. Типография Императорского Университета. Казань, 1886. С. 69-72.
3. «Матерялы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области». В. И. Кушелевский. Г. Новый Маргилан 1891г., (Типогр. Ферган. Области. Правления).Томъ 3. С. 241, 268.
4. Матерялы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. В. И. Кушелевский. (Г. Новый Маргилан 1890 г., (Типогр. Ферган. Области. Правления). Томъ 1. С. V.
5. Медицинская помощь инородцом Туркестана и их отношение к русским врачам. СПб., 1903. С. 66.
6. Известия Общества археологии, истории и этнографии при Императорском Казанском университете. Т. 4. 10 апреля 1915 года. С. 304.
7. А.Кадыров, Н.Турсунов, «Видный Узбекский ученый и врач Маҳмуд Ҳаким Яйпани - Коканди». Медицинский журнал Узбекистана. 1966 г. №12, С. 56-58.
8. А.Турдалиев, “Маҳмуд Ҳаким Яйфоний – маърифатпарвар олим ва шоир” Журнал, “Адабий мерос”, Тошкент, 1988г. №4. Б. 52- 56.
9. «Собрание Восточных рукописей академии наук Республики Узбекистан». Хикматуллаев Х., Каримова С.У. (Составители). Медицина. Издательство народного наследия имени Абдуллы Кадыри. Ташкент, 2000. №124-126.
10. “Тарик ул-илож”, тошбосма, 1 жилд. 1913 й. Кўкон шаҳри Ғ. Ғулом номидаги вилоят адабиёт музейи хазинасида 150-рақам остида сақланмоқда. Б. 3.
11. “Тарик ул-илож”, тошбосма, 2 жилд. 1913 й. Кўкон шаҳри Ғ. Ғулом номидаги вилоят адабиёт музейи хазинасида 150-рақам остида сақланмоқда. Б. 167, 304.

12. “Мужарработи Маҳмудий”, 1930й., қўлёзма, Қўқон шаҳри Ғ.Ғулом номидаги вилоят адабиёт музейи хазинасида 70-рақамли қўлёзма таркибида сақланади, Б. 1.
13. Қўқон шаҳар Хожибек гузари маҳалласи имоми Иброхимжон домла билан суҳбатдан 04.05.2018 да ёзиб олинган.
14. “Қонун ул-илож”. Қўлёзма, 1929й. Қўқон шаҳри Ғ.Ғулом номидаги вилоят адабиёт музейи хазинасида 48-рақами остида сақланади, Б. 1.



57	Эргашева М.Я. ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА СЕРОЗНЫХ МЕНИНГИТОВ ЭНТЕРОВИРУСНОЙ ЭТИОЛОГИИ.....	77
58	Yoqubov Q. Y, Mirtazavey O. M., Matnazaro`va G. S. COVID-19 EPIDEMIK JARAYONINING TAVSIFI (TOSHKENT SHAHRI MISOLIDA).....	79
59	Ярмухамедова М. К., Якубова Н. С., Восеева Д. Х. ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ ПППД У БОЛЬНЫХ ВГС.....	83

ОБЗОРЫ ЛИТЕРАТУРЫ

60	Асадов Д.А., Назиров М.Н. БАЖАРИЛГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ.....	86
61	Асадов Д.А., Каримова С.У., Назиров М.Н. ФАРҒОНАДА ЁЗИЛГАН ШАРҚ ТАБОБАТИГА ДОИР АСАРЛАР.....	88
62	Асадов Д.А., Назиров М.Н. МАҲМУД ҲАКИМНИНГ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ДАВОЛАШ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ИШЛАТГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ.....	92
63	Асадов Д.А., Табибова М.В., Исмоилов И. НОДИР ХОТИРА СОҶИБИ.....	98
64	Вафокулов С.Х., Рустамова Ш.А., Вафокулова Н.Х. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА КЕСАРЧА КЕСИШ ЙЎЛИ БИЛАН ТУҒИЛГАН БОЛАЛАРДА ЎТКИР ИЧАК ИНФЕКЦИЯЛАРИ МУАММОЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ.....	101
65	Кадирова К.А., Хикматуллаева А.С., Эгамова И.Н., Ибадуллаева Н.С. ВИРУСНАЯ НАГРУЗКА ПРИ ВИРУСНОМ ГЕПАТИТЕ В	105
66	Караматуллаева З.Э., Орзикулов А.О., Ибрагимова Э.Ф. ЗНАЧЕНИЕ АНТИКОАГУЛЯНТОВ ПРИ ЛЕЧЕНИЕ COVID-19.....	107
67	Маматмусаева Ф.Ш., Мирвалиева Н.Р., Джураева З.Б., Мирпайзиева К.Ш. СОВРЕМЕННАЯ АНТИБИОТИКОТЕРАПИЯ У БОЛЬНЫХ С ОСТЕОМИЕЛИТОМ.....	112
68	Рюмин А. М., Собчак Д. М. ВЛИЯНИЕ ГЕНЕТИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ НА ЕСТЕСТВЕННОЕ ТЕЧЕНИЕ ВИЧ-ИНФЕКЦИИ.....	116
69	Туйчиев Л.Н., Таджиева Н.Ю., Ярмухамедова Н.А., Матякубова Ф.Е., Раббимова Н.Т. ВОПРОСЫ ЭТИОЛОГИИ, ЭПИДЕМИОЛОГИИ, ДИАГНОСТИКИ И ВАКЦИНОПРОФИЛАКТИКИ ПНЕВМОКОККОВОЙ ИНФЕКЦИИ.....	121
70	Узакова Г.З., Ярмухамедова Н.А., Джумаева Н.С. БОЛАЛАРДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ КЕЧИШНИНГ УЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	126

Инфекционные болезни – актуальные вопросы, достижения и инновационные подходы в охране здоровья населения: материалы международной научно-практической конференции. 2 том, (г. Самарканд, 25 июня 2021 г.) / отв. ред. Ризаев Ж.А. - Самарканд: СамГМИ, 2021. – 131 стр.

ИНФЕКЦИОННЫЕ БОЛЕЗНИ – АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В ОХРАНЕ ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ

МАТЕРИАЛЫ

международной научно-практической конференции
(Самарканд, 25 июня 2021 г.)

Под редакцией
Ж.А. РИЗАЕВА

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

доктор медицинских наук, профессор **Ризаев Ж.А.** (отв. редактор);
доктор медицинских наук **Зиядуллаев Ш.Х.** (зам. отв. редактора);
PhD, доцент **Очилов У.У.** (отв. секретарь).

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Ярмухамедова Н.А., Раббимова Н.Т., Рустамова Ш.А., Ярмухамедова М.К., Джураева К.С.